



ЖИГАР КАСАЛЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАНТ БЕМОРЛАРДА ПАРҲЕЗ ОВҚАТЛАНИШНИНГ ЎРНИ

Файзибоев Пирмамат Нормаматович,

*Гигиена кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент
Самарқанд, Ўзбекистон*

**Ибрагимова Файруза Собировна,
Махмараймов Фузаил Ильхомович,**

Абдимуминова Лайло Абдимуминовна,
*Гигиена кафедраси 2-босқич клиник ординаторлари
Самарқанд, Ўзбекистон*

Аннотация: В нынешнее стремительно развивающееся время многие болезни, возникающие в результате заболевания печени, являющейся одним из органов человека, постепенно разрастаются в результате несоблюдения этих ограничений, а также соблюдение диеты на ранних стадиях заболевания не должно оставаться без внимания. Поэтому одна из важнейших задач, поставленных перед нами, — это сосредоточиться на диетическом питании и правильном питании, чтобы улучшить работу печени. Однако в профилактике и лечении этих заболеваний все больше внимания уделяется лечению печени через фармакологические и искусственные пути.

Ключевые слова: Заболевания печени, цирроз печени, профилактические мероприятия, диетическое питание.

Abstract: In the current rapidly developing time, many diseases arising from liver disease, which is one of the human organs, gradually grow as a result of non-compliance with these restrictions, as well as adherence to diet in the early stages of the disease should not be ignored. Therefore, one of the most important tasks set before us is to focus on dietary nutrition and proper nutrition to improve liver function. However, in the prevention and treatment of these diseases, more and more attention is paid to the treatment of the liver through pharmacological and artificial pathways.

Keywords: Liver diseases, cirrhosis of the liver, preventive measures, dietary nutrition.

Мавзунинг долзарблиги: Дунёда жигар касалликлари гуруҳига кирувчи жигар циррози ҳар 100 кишидан 20-40 нафарига ўз таъсирини кўрсатади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида бу хасталикни суръатини доимий ўсиши кузатилмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда жигар циррози 35-36 ёшдан 60-65 ёшгача бўлган шахслар ўлимнинг асосий сабаби бўлиб, ҳар 100 000 кишига 14-30 ҳолатни ташкил қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, жигар циррози ҳар йили 1 миллиондан ортиқ ўлимга олиб келади. Бу муҳим кўрсаткич жигар циррозини тиббиёт ҳамжамиятининг ташвишлари орасида биринчи ўринга қўяди. Жигар циррозининг асосий сабабларидан бири спиртли ичимликларни истеъмол қилишдир. Алкоголли жигар циррози бу касалликнинг энг кенг тарқалган турларидан биридир.



Ҳозирги вақтда жигар циррози билан оғриган кўплаб беморларда парҳез чекловларига риоя қилмаслик аста-секин ўсиб бормоқда, шунингдек касалликнинг айниқса дастлабки босқичларида парҳезга риоя қилиш эътиборсиз қолмаслиги лозимдир. Жигар циррозига қарши жаҳон миқёсида олиб борилаётган курашнинг асосий вазифаларидан бири бу касалликнинг огоҳлигини сақлаш, профилактика чораларини амалга ошириш, ушбу касалликдан азият чеккан беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборат.

Шу сабабли жигар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун парҳезга ва тўғри овқатланишга эътибор қаратиш айниқса муҳимдир.

Мақсад: Жигар касалликлари билан оғриган беморлар учун парҳез овқатланишнинг анъанавий таомларини киритиш орқали касалликларнинг эпидемиологик таҳлили ва профилактикасини яхшилаш.

Тадқиқотнинг материаллари: Жигар касаллигига чалинган жами 94 нафар даволанган беморларни текширувдан ўтказилди. Бундан ташқари, метаболик жараёнларни тўғрилаш учун парҳез кўшимчалари, Ўзбекистон шароитида маҳаллий ишлаб чиқарилган миллий таомлар ва парҳездан фойдаланилади.

Республика ва Самарқанд вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг жигар касалликлари билан касалланиши бўйича 2019-2023 йиллардаги расмий ҳисоботлари натижаларининг маълумотларидан ҳамда сўровномалардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари: Олиб борилган ушбу илмий нашрнинг янгилиги ва ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ички органлар касалликларидан ҳисобланмиш жигар циррози билан касалланган беморлар билан ўтказилган суҳбатлар, сўровнома натижаларига кўра касалланганларнинг 74% да охириги 3-4 йил давомида касаллик ҳолатлари аниқланганлиги, бу касаллик билан оғриган беморларнинг (50,6% беморлар йил давомида 2-4 марта шифохонага мурожаат қилиши, уларнинг 32,6% эса ногиронлик бўйича нафақахўр эканлиги, 51,7% и тамаки чекиши, 21,7% и спиртли ичимлик истеъмол қилиши, энг ачинарлиси уларнинг 11,2% ида яқин қариндошлари орасида жигар циррози билан касалланганларнинг кузатилишидир. Яна шуни ҳам тақдлаб ўтиш жоизки, бу касаллика чалинганларнинг кўпчилигида ёндош касалликлар, овқатланиш ва модда алмашинуви бузилиши, юрак-қон томир тизими касалликлари, эндокрин тизими касалликлари кўринишида тақсимлангани билан қайд этилганлиги кузатилган.



Хулоса қилиб шу нарсани айтишимиз мумкинки, жигар касалликлари соҳасидаги замонавий тушунчалар ирсий, атроф-муҳит ва турмуш тарзи омилларини, шунингдек, овқатланиш, микрофлора ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда, касалликка эрта ташхис қўйиш, ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш, комплекс даволаш, жумладан, нафақат фармакологик препаратлар, балки парҳез овқатланишни тўғри йўлга қўйиш, жисмоний фаолликни оширишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иванов А. Г. Экспертиза качества жизни больных циррозом печени, осложненным печеночной энцефалопатией //Проблемы экспертизы в медицине. – 2005. – Т. 5. – №. 19-3. – С. 45-47.
2. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
3. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
4. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОТЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.
5. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
6. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
7. Файзибоев П. Н. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИДА “НОВВОТ” НИНГ ТУТГАН ЎРИН //Журнал гуманитарных и естественных наук. – 2023. – №. 3 [2]. – С. 167-170.
8. Файзибоев П. Н., Ахророва М. Ш. TISH KARIESI BILAN KASALLANGAN VA SOG 'LOM BOLALARNING OVQATLANISHINI VANOLASH //ЖУРНАЛ СТОМАТОЛОГИИ И КРАНИОФАЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2023–Т. 4. – №.1.
9. Normamatovich F. P. PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY" NOVVOT" //Academia Science Repository. – 2023. – Т. 4. – №. 04. – С. 794-798.
10. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, & Ochilov Sardor Abduganievich. (2023). METHOD OF PREPARING NOVVOT FROM NATIONAL CONFECTIONERY PRODUCTS IN UZBEKISTAN. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 1(6),160–164.Retrieved from <https://uzresearchers.com/index.php/ijrs/article/view/830>
11. Fayziboev Pirmamat Normamatovich. (2023). PRODUCTION TECHNOLOGY OF NATIONAL CONFECTIONERY "NOVVOT". *Academia Science Repository*, 4(04), 794–798. Retrieved from <https://academiascience.com/index.php/repo/article/view/131>



12. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Ibragimova Fairuza Sobirovna, Makhmaraimov Fuzail Ilkhomovich, Abdurakhmonova Shakhnoza Sokievich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). HYGIENIC ASSESSMENT OF CRITERIA FOR SAFETY AND NUTRITIONAL VALUE OF FRUITS AND VEGETABLES. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 77–81.
13. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Fakhritdinov Shokhrukh Fakhritdinovitch, Roziklov Dilshod Allayorovich, Obloberdiev Okhunjon O'tkirovich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). ESTIMATES OF CONSUMPTION OF CONFECTIONERY PRODUCTS IN THE AVERAGE DAILY DIETS OF THE POPULATION IN THE SUMMERAUTUMN SEASON. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 142–149.
14. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Нарзуллаева ГулмираТоштемир кизи, Фахритдинов Шохрух Фахритдин ўғли, & Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли. (2024). САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИК МЕЗОНЛАРИ ВА ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТЛИЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 136–141.
15. Файзибоев Пирмамат Нормаматович, Ибрагимова Файруза Собировна, Махмараймов Фузайл Ильхомович, Абдурахмонова Шахноза Сокиевич, & Файзибоев Бекзод Пирмаматович. (2024). ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 71–76.

